

МАВЗУ 2. ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТҮПЛАШ ВА УНИ КИРИТИШ

Режа:

1. Маълумотларни тўплаши усуллари ва босқичлари
2. Асосий маълумот олиш турлари
3. Ёрдамчи ёки иккиламчи маълумот олиши
4. Рақамли фотограмметрия орқали маълумот олиши
5. GPS қурилмаси орқали маълумот олиши
6. Ташиб манбалардан маълумот олиши
7. Географик маълумот турлари

Калит сўзлар: GPS, растр ва вектор маълумот, аэрофотосъёмка, фотограмметрия.

Маълумотларни тўплаши усуллари

ГАТида маълумот тўплаши жуда кўп вақт талаб қиласидиган ва қиммат лекин шу билан бирга жуда муҳим бўлган қисмларидан биридир. ГАТида маълумот манбааларининг жуда кўп тури мавжуд ва бу маълумотларни тизимга киритишнинг ҳам кўп турлари бор. Маълумот тўплашнинг энг муҳим иккита усуллари мавжуд бўлиб улар маълумотни олиши ва уни узатиш. Бундан ташқари ГАТ ида маълумот тўплашида асосий (бирламчи, тўғридан тўғри ўлчов ёки съемка ёрдамида) ва иккиламчи (ёрдамчи, бошқа манбаалардан хосил қилиш) маълумот олишининг фарқи борлигини билиш зарур. Бу хол растр ва вектор формат маълумотлар турларига ҳам тегишили.

ГАТи турли хил манбаалардан ташкил топган маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Географик маълумотлар базасини ташкил қилишида растр ва вектор форматдаги маълумотлар манбааларини икки турга асосий (бирламчи) ва ёрдамчи (иккиламчи) турларига бўлишишимиз мумкин. Асосий маълумотлар манбааси бу ГАТ лойиҳалари учун тўпланган рақамли форматдаги маълумотлардир. Бунга мисол қилиб растр форматдаги СПОТ ва ИКОНОС Ер сунъий йўлдошлирининг рақамли суръатларини ва вектор форматдаги инженерлик геодезик ўлчовларни (електрон теодолит ва ГПС) кўрсатишнимиз мумкин.

Жадвал-3:

**Маълумотлар тўплаши учун географик маълумотларнинг классификатсияси
(таснифи)**

	Растр	Вектор
Асосий	Сунъий йўлдошлар ва масофадан туриб зондлашдан олинган рақамли тасвирлар Рақамли аэрофотосуръатлар	ГПС ўлчовлари Съемка ўлчовлар
Ёрдамчи	Сканерланган карта ёки суръатлар. Рақамли рельеф моделлари (ДЕМ) топографик карта контурлари	Топографик карталар Жой номлари маълумотлар базаси

Иккиламчи манбаалар бу оддий ва рақамли маълумотлар тизими бўлиб бу маълумотларни кейинги босқичда мос рақамли форматга ўтказиш керак бўлади. Бундай манбаага мисол қилиб растр форматдаги сканерларга ранги

аэрофотосуръатларни, қоғоз кўринишдаги сканерлаш ва векторлаш ишларини талаб қиласидиган карталарни мисол қила олишимиз мумкин. Демак, асосий (бирламчи) географик маълумотлар манбааси ГАТ исида ишлатиш учун бевосита ўлчовлар орқали олинади. Ёрдамчи (иккиламчи) манбаалар олдинги изланишлар орқали қайта ишланган ёки бошқа тизимлардан олинади.

Ҳар икки маълумотлар ҳам рақамли ҳам аналог (қоғозли) форматда бўлиши мумкин. Аналог маълумот ҳар доим географик маълумотлар базасига киритилишидан олдин ҳар доим рақамли кўринишга келтирилиши лозим. Бундай жараённи қоғоз карта ёки фотосуръатни сканерлаш ва суръатдаги белгиланган жойнинг векторизатсияси орқали амалга ошириши мумкин. ГАТга киритилишидан олдин рақамли маълумотнинг формат катталиги ва характеристикаларига қараб қўшимча қайта форматлаш ва қайта тизимга келтириши каби ишлар керак бўлиши мумкин. Бу бўлимда маълумот тўплаш ва маълмот узатиш каби терминларга дуч келамиз ва уларнинг бир биридан фарқи шундан иборатки, маълумот тўплаш бу тўгридан тўғри маълумотни ўша маълумот тўплаётган қурилмага киритиш назарда тутмиса, маълумот узатишда ўша маълумотларни тармоқли уланишлар (Интернет, WAH, ПАН) СД РОМ, Дисклар, флешкалар, дискетлар орқали киритиш назарда тутмлади.

Маълумот тўплашнинг босқичлари

Маълумот тўплаш ўз навбатида бошқа жараёнлар каби бир неча босқичли ишни ўз ичига олади. (расм 13). Бу жараёнларнинг биринчи босқичини режалаштириши бошлаб берса, тайёргарлик, рақамлаштириш/узатиш (рақамлаштириш, съемка натижаларини киритиш, сканерлаш, фотограмметрия), таҳрир қилиш ва сифатини яхшилаш каби босқичлар давом эттирса маълумотларни баҳолаш тугатиб беради.

Режалаштириши барча ишлардаги каби бу жараёнда ҳам муҳимдир. Бу босқичда фойдаланувчига қўйиладиган талаблар, ишчилар, мос техника ва технологиялар ва дастурларни аниқлаш ва лойиҳа дастурини тайёрлаш каби ишлар аниқлаб олинади.

Тайёргарлик босқичида маълумот олиши, бошлангич манбаалардаги маълумотларни қайта ишилаш, сканерланган тасвирларни таҳрир қилиш каби ишлар амалга оширилади. Бундан ташқари маълумотларни қабул қилиб олиши учун мос ГАТ компьютер технология ва дастурларини аниқлаш ишларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Рақамлаштириш ва маълумот узатиш тизимдаги энг кўп иши қилинадиган босқичдир. Бу босқичдан кейин маълумотларни таҳрир қилиш ва сифатини яхшилаш устида иш олиб борилади. Бунда рақамлаштирилган маълумотлар ҳатолари бартараф қилиниб сифати янада оширилади. Охирги босқичда маълумот тўплаш жараёни давомида ҳосил қилинган ҳатолик ва муваффақиятлар аниқланиб таҳлил қилинади.



rasm 13: Ma'lumot to'plashning bosqichlari (Manbaa: Muallif)

Асосий географик маълумот олиши турлари

Асосий географик маълумот олиши баҳо обектларни бевосита яъни тўғридан тўғри ўлчаши орқали амалга оширилади. Рақамли маълумот ўлчови ҳам тўғридан тўғри ГАТ базасига киритилиши мумкин. Яъни рақамли асбоблар орқали. Бу усул ГАТ базасини яратишида жуда ҳам қўл келсада, шундай холатлар ҳам борки ўша асбоблар ва ГАТ базасини бир бирига боғлаши имконияти бўлмай қолади. Шунда растр ва вектор кўринишдаги ГАТ асосий маълумотларини олиши усулларини қўллашимиз керак бўлади.

Растр маълумот олиши

Асосий ёки бирламчи растр форматдаги маълумотлани олиши йўлларидан бири бу Масофадан туриб зондаши орқали олинган маълумотлардир. Кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, масофадан туриб зондаши бу обектнинг физикавий, кимёвий, ва билологик хоссалари тўғрисидаги ахборотларни бевосита олиши техникасидир. Бунда ахборот обектдан акс этаётган, тарқалаётган ва ютилаётган электромагнит радиатсия миқдорини ўлчаши орқали ҳосил қилинади. Электромагнит ўлчовларни кўринувчи ва кўринимас яъни микротўлқинларни пайқай оладиган сенсорлар амалга оширади. Сензорлар ҳам ўз навбатида 2 турга бўлинади пассив ва актив. Пассив сензорлар обектдан тарқалаётган электромагнит тўлқинларни ўлчаши орқали ишиласа, актив сензорларнинг ўзи электромагнит тўлқинларни юборади ва шу асносида ўлчаши ишларини олиб боради. Бу сензорлар сунъий йўлдошга бириктирилган бўлади. Бундан ташқари масофадан туриб зондашга самолётлар ёрдамида суръатга олишини ҳам тушунишимиз мумкин.

Қисқача айтадиган бўлсак: **Масофадан зондаши обектнинг физик, кимёвий ва биологик хоссаларини бевосита масофадан туриб ўлчашидир**

ГАТИга кўра ишлатиш хусусияти (ресолютион) муҳим ҳарактеристикасидир. Бу сифат ўз навбатида фазовий, спектрал ва вақтинчалик бўлимларга бўлинади. Масофадан зондашда қўлланиладиган барча сензорлар мана шу уч сифат кўрсаткичлари доирасида иш олиб боради ва маълумот сақланиши ҳажми, қайта

ишилаш жараёни ва тўлқин узунлигига қараб бу уч бўлимда сенсорлар ишилатилиши ҳам ўзгариб туради.

Фазовий аниқлик да муҳим кўрсаткичлар бу обектнинг йўл қўярлик аниклидаги тасвир ўлчами ва энг муҳим ўлчов кўрсаткичи бу пиксел ўлчамидир. Сунъий йўлдошдан олинган суръатлар одатда 0.5м дан 1.0 км гача ўлчамдаги пикселларга эга бўлган тасвирлар билан таъминлайди.

Аэрофотосъемка суръатларини оладиган камераларнинг ишилатиши хусусияти (ресолютион) одатда 0.1м дан 5м оралиқда бўлади. (расм 14). Тасвир ўлчамлари сенсорлар турига қараб турлича бўлиши мумкин. Одатдаги фарқ 900 га 900 дан 3000 га 3000 гача пикселда бўлиши мумкин. Сенсорларнинг умумий масофадан туриб зондлаш кенглиги одатда 9x9 км дан 200x200 км гача бўлади. Спектрал ишилатиши хусусияти ўлчанган электромагнит спектрнинг бир қисмигагина алоқадордир. Турли обектлар ҳар хил турдаги радиатсия миқдорини ва турини тарқатганлиги, ютганлиги учун электромагнит спектрларнинг қисмига қараб қайси бўлимни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Масофадан зондлаш тизимлари маълум диапазонда тарқалаётган тўлқинларни бир қисми ёки бир қанча қисмларини олган ҳолда ҳам ишилаши мумкин. Юқоридаги фикрларнинг барчаси сунъий йўлдоши орқали маълумот ва тасвир олиши тўғрисида кетган бўлса ГАТ ида аэрофотосуръатларнинг ҳам ўрни муҳимдир. Асосан ўрта ва катта миқёсли ГАТ лойиҳаларида яқзол аҳамиятга эгадир. Техник жиҳатдан сунъий йўлдошдан олинган масофавий зондлаш маълумотлари ва тасвирлари ҳамда аэрофотосуръатлар бир хил бўлсада (иккиси ҳам тасвирлар) ўша тасвир ва маълумотларни олиши ва қайта ишилаши усулида сезиларли фарқ қиласи. Энг кўринарли



расм 14: Aerofotos'умка suratlari (Manbaa: internet)

фарқлардан бири бу аэрофотосуръатлар аналог ёки оддий камералар ёрдамида тасвирга

туширилиб (ракамли камералар кенг миқёсда қўлланилиб келишига қарамасдан) кейин плёнка негативини сканерлаш орқали растеризатсияланади. Камера оптикалари ва сканерлаш жараёни сифати биргаликда хосил бўлган тасвирнинг фазовий ва спектрли хусусиятларига таъсир қиласи. Кўпгина аэрофотосуръатлар маҳсус (ад хос) тарзда ва камералар паст баландликда учаётган самолётларга ўрнатилган (3000-9000 м баландликда) ва рангли ёки оқ-қора тасвир кўринишда тўпланади. Шу хусусияти билан эса аэрофотосуръатлар батрафсил съемка ва ва карталаши лойиҳаларига жуда қулай келади.

Космик ва аэрофотосуръатлаш тизимининг муҳим қирраларидан бири бу иккала тизимдан олинган жуфт суръатни (бири бирига устма уст қилиб тасвирга тушнилган) стерео тасвирини беради. Бундай бирлаштирилган тасвирлар эса ўз навбатида З ўлчамли оддий ёки ракамли модел яратиш имкониятини беради. Бу моделлар асносида З ўлчамли координаталар, контурлар, ва ракамли рельеф моделлари хосил қилинади.

ГАТи лойиҳалари учун космик ва аеросуръатлаш тизими маълумотлари бир қанча қулайликларни келтиради. Маълумотларнинг кетма кетлиги ва глобал миқёсда қамраб олиши тизимининг мавжудлиги космик маълумотларни (тасвирлар) асосан кенг миқёсдаги ҳудуд, кичик миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишида (ландшафтни карталаши ва дарёларнинг геологик тузилиши) ва бориши қийин бўлган жойларни карталашида муҳимлигигини таъминлайди. Бундан ташқари сунъий юлдош орқали даврий олининбур турилган суръатларни таққослаши ва таҳлил қилиши орқали йиллик вегетаттсия ҳолатини кузатиш имконини беради. Аэрофотосъемка эса шаҳар ва археологик жойларнинг батафсил съемкаси ва карталашини амалга оширишида ва шу асносида жойнинг З ўлчамли тасвирини хосил қилишида муҳим аҳамият касб этади. Космик тасвирлаш тизимида улкан миқёсдаги ГАТи лойиҳаларини амалга оширишида сунъий йўлдошларга ўрнатилган сенсорлар булуатларга келиб тасвирга олиши имконияти қийинлашади ва сабабли хира ва унча аниқ бўлмаган тасвирлар ёки маълумотлар олинади. Ҳозирда ушбу муаммоларни бартараф қилиши устида иш олиб борилмоқда ва ҳозирги замон янги авлод сенсорлари 0,6 метр фазовий ишлатиш хусусиятига эга. Аэро ва космик кемералардан олинган маълумот ҳажми жуда улкан бўлиши баъзидан уларни сақлаши ва қайта ишлашида муаммо келтириб чиқарииши мумкин.

Вектор маълумот олиши

Асосий ёки бирламчи вектор маълумот бу географик маълумот олишининг асосий манбааси ҳисобланади. Вектор маълумот олиши иккита муҳим қисмларга: дала ёки ер ва ГПС съемкасига бўлинади. Охирги вақтларда ГПС съемкаси тобора кенгроқ қўлланилиб борилмоқда ва бу икки тур съемка бир бирига қўшилиб кетмоқда.

Дала ёки ер съемкаси исталган нуқтанинг З ўлчамдаги жойлашувини бошка координатаси маълум бўлган таянч нуқта (репер, марка, сигнал) лар ёрдамида ўлчашиб тамошалига асосланган. Съемка ишлари таянч нуқтадан бошланади. Агар бу нуқтанинг координата тизими маълум бўлса қолган барча ўлчангандан нуқталар мана шу тизим доирасида олинади. Агар маълум бўлмаса маҳаллий ёки қиёсий координата тизимини ишлатади. Съемка пайтида олинган нуқталар съемка ўлчовларидан олинганлиги учун уларнинг координатлари бошка нуқталар координаталарига боғлиқ ҳолда бўлади. Бу турдаги съемка бизга геодезия курсларидан маълумки бошлангич ва охирги нуқтлар узаро бир бирига боғланниши керак, Масалан ётиқ полигон ичida съемка бажарилса бошлангич нуқта координатаси билан охирги нуқта координатаси бир хил бўлиши, йўл ёки трасса съемка қилинганда эса бошлангич нуқтадан бошланниб келинган съемка охирги координатаси маълум бўлган нуқтага келган айнан чиқиши керак акс ҳолда хатолик пайдо бўлиб йўл қўярли даражада бўлса тарқатиб юборилади. Агар йўл қўярли бўлмаса унда бошқатдан бошлаши керак бўлади. Янги съемкада эса олдин ўлчангандан нуқталар жойлашуви ўзгариши мумкин. Геодезистлар анъанавий съемка пайтида



дуч
иуу
мумкин

rasm 15: Zamonaviy teodolit олиши
(Manbaa : Trimble veb sahifasi)

бурчак ўлчаши ишларида теодолит ва масофа ўлчашида лента ва метрлардан фойдаланишиади. Ваҳоланки ҳозирги кунда бундай асбоблар ўрнини ҳам бурчак ҳам масофа ўлчай оладиган электро-оптик электрон тахеометрлар эгалламоқда. (расм 15). Бу турдаги асбоблар автоматик равишда маълумотларни хотирасида сақлайди ва энг муҳими вектор нуқталарни, чизиқларни ва майдонларни түғридан түғри даланинг ўзида яратади ва бу бизга жойнинг ўзида дала ва камерал ишларни таққослаб түғрилаб олиш имкониятини беради. Замон ривожланиши билан эски геодезик съемка ўрнини янги замонавий съемка турлари эгалламоқда ва шу билан бир иш сифати ва аниқлиги ҳам ошиб бормоқда. Одатда съемка қилиши учун икки киши талаб этилади бири электрон тахеометрни ишлатиш бўлса иккинчиси нур қайтарувчи призмани ушлаб туриши учун. Баъзи масофадан туриб бошқариладиган тизимларда биргина инсоннинг бўлиши ҳам электрон тахеометр ҳам призмани бошқаршига этарли бўлмоқда. Ер ёки дала съемкаси кўп вақт талаб қиласидан ва қиммат съемка бўлишига қарамасдан ҳозиргача берилган нуқтанинг координатасини юқори аниқликда топишнинг энг яхши йўли ҳисоблануб келинмоқда. Бундай турдаги ишлар юқори аниқлик талаб қилувчи мухандислик ишларида жумладан, бино ва инишот қурилишида, чегара белгилаши ишларида ва бошқа ишларда қўлланилиб келинмоқда. Бундан ташқари бундай съемка натижасидан олинган маълумотлар бўйича таянч пунктларнинг координатаси юқори аниқликда олинмоқда бу нуқталарга асосланиб аэро-космик тасвирлар кейинчалик дешифраш орқали керакли нуқталарнинг координаталари топилади.

Ёрдамчи ёки иккиламчи географик маълумот олиш

Ёрдамчи манбаалардан географик маълумотлар олиш бу растр-вектор файллар ва маълумотлар базасини карталар, суръатлар, ва бошқа босма (қаттиқ) форматдаги хужжатлардан яратиш жараёнидир. Сканерлаш растр маълумот олиш учун қўлланилади. Планшетли рақамлаштириши (табле дигитизинг), проектсияли рақамлаштириши (хеадс-уп дигитизинг), тереофотограмметрия ва СОГО маълумот киритиш вектор маълумот олиш учун қўлланилади.¹

Рақамли фотограмметрия орқали маълумот олиш

Фотограмметрия - бу қисқача қилиб айтадиган бўлсак тасвирлар, аэрофотосуръатлар орқали ўлчовларни амалга ошириладиган фандир. Бундай аэрофотосуръатлар ёрдамида анъанавий фотограмметрияда жойнинг икки ўлчамли модели хосил қилинса ҳозирги ГАТ ва масофадан туриб зондлаш тизимлари орқали жуфт стереосуръат ва тасвирларни бир бирига бирлаштириши орқали жойнинг 2 ва 3 ўлчамли моделлари хосил қилинмоқда.

Фотограмметрия курсларидан маълумки аэросуръатларни самолёт орқали суръатга олинаётганда кейинчалик аэрофотосуръатларни бир бирига бирлаштириши учун съемка бўйлаб кейинги олинган суръат олдинги суръатнинг камида 60% ини ва ўша чизиқлар орасидаги суръат ўзидан кейинги суръатнинг камида 30% ини қамраб олиши зарур. Худди шундай жараён масофадан туриб зондлашда ҳам айнан амалга оширилади. Қамраб олиш (суръатларнинг бир бирги устма-уст тушиб қоплаб олиши) қиймати 3 ўлчамли модел хосил қилинши майдонини кўрсатади.

¹ Paul Longley et al. Geographic Information Systems and Science.-UK 2 nd Edition "John Wiley& Sons Ltd., 2005. 200-205 p.

Фотограмметрия - бу суръатлар ва тасвирлар орқали ўлчовларни бажаришига мўлжалланган фандир.

ГПС қурилмаси орқали маълумот олиш

ГПС қурилмаси орқали ГАТ и дастурларига маълумот олиш турли хил усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, съемка қилиб келингандан сўнг маҳсус дастурлар ёрдамида ГПС қурилманинг хотирасидаги маълумотларни қайта ишилаш мумкин ва бу маълумотларни ГАТ дастурларига жўнатиш ёки бевосита тўғридан тўғри маҳсус ГАТ ининг ичидаги жойлашган дастурлар орқали қайта ишилаш мумкин. Ҳозирги кунда ер ресурсларини бошқариши ташкилотларида ишилатилаётган Панорама ГАТ (Панорама) дастурида ҳам шундай дастур мавжуд ва бу маълумот олиш НМЕА 0183 тизими орқали амалга оширилади. НМЕА 0183 бу ГПС навигатсия приёмниклари ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинувини узатувчи формат туридир. ГПС импорт дастури орқали координаталар дастуриниг Филе/Импорт фром/ ГПС Координатес/НМЕА ор Филе/ Рефреши/ Координатес ГПС /НМЕА орқали амалга оширилади.

Импорт режими орқали карта янгитдан хосил қилинши мумкин. Янгиланиш мобайнида обектлар берилган картага ёзилади. Кирувчи маълумот сифатида НМЕА 0183 формат протоколи ёзувларга эга бўлган текст файл хизмат қиласди. Кирувчи маълумот сифатида яна уч ўлчамли координата тизимида эга бўлган нуқтали обектлар ёки чизиқли (майдонли) обектлар хизмат қиласди. Хосил қилинаётган обект тури дастур диалог ойнасидан танланади. Бунда бир хил координатали кетма-кет келган ёзувлар ўтказиб юборилади. Агар янгилаётган карталар проектсияси WGS-84 эллипсоидида бўлса у ҳолда геодезик координаталар ўзгартирилмасдан ёзилади, акс ҳолда координаталар 42 йилнинг Крассовский эллипсоиди тизимида ўзгартирилади.

Ташқи манбаалардан маълумот олиш

Ҳар бир ГАТ лойиҳасини амалга оширишининг бошлангич босқичида энг аввалло маълумот олиш, тўплаш каби саволлар туради. Бунда маълумотни шу лойиҳа доирасида яратиш ёки олиш ва сотиб олиш керакми деган муаммо пайдо бўлади. Ҳар бир ишда маълумотлар базасини тўлдириши учун асосий (бирламчи) ёки ёрдамчи (иккиламчи) мабаалардан олиш техникаси ётади. Бу бўлим бошқа манбаалардан олинган маълумотларни ГАТИга қай йўл билан киритиши ва узатишга этиборини қаратади.

Манба	Web сахифаси	Мазмуни
АГИ ГАТ манба рўйхати	www.geo.ed.ac.uk/home/ www.data-store.co.uk/ www.geodata.gov	Юзга яқин сахифаларнинг индексланган рўйхати
Маълумот Дўкони	www.mapmart.com	ББ, европа ва дунё маълумотларининг каталоги
Геоспациал онестоп	www.edc.usgs.gov www.terraceserver-usa.com	Метамаълумот ва 500 га яқин маълумот тизимида тўғридан киравчи

<i>МапМарт</i>	www.географхайнетворк.ком	геопортал Улкан миқёсдаги маълумот ва тасвир билан таъминловчи АҚШ давлати маълумот архиви.
<i>ЕРОС Маълумот</i>	www.националГеографхис.ком	<i>Юқори аниқликдаги аеротасвир ва топографик карталар</i>
<i>Маркази Террасервер</i>	www.соннест.гс.са/	<i>Глобал миқёсдаги онлайн маълумот ва ҳарита хизматлари</i>
<i>Географик Тармоқ</i>	www.eуроГеографхис.с.орг	<i>Дунё ҳариталари</i>
<i>Миллий Географик Жамият</i>	www.геоплазе.ком	<i>Канада давлати географик маълумотининг веб сахифаси</i>
<i>Геосоннестионс</i>	www.гисдатадепот.ком	<i>Европа ҳамжамиятининг топоҳариталар тизими</i>
<i>Евро Географик</i>		<i>ГАТ маълумоти бўйича компанияларнинг рўйхати</i>
<i>ГЕOWорлд Дата Диресторий</i>		<i>Бепул географик маълумотларнинг омбори</i>
<i>Дата Депот</i>		

Jadval 4: GAT ma'lumotlariga ega veb sahifalar (*Manbaa : Longley 2005*)

Баъзи маълумот олиши тизимлари бепул ҳисобланса кўпчилиги ҳозирги кунда оммалашиб бораётган интернет сахифалар орқали пуллик хизмат тизимига киради. Географик маълумотларнинг кўпгина манбаа ва турлари мавжуд. Бу тизимларда турли соҳаларга оид маълумотлар мавжуд бўлиб улар тез тез янгиланиб туради. Бу соҳалар жумласига геодезик, атроф муҳит ва экология, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни киритишимиш мумкин. Ҳозирги кунда ташқи манбаалардан географик маълумот олишинг энг қулай йўли шубҳасиз интернет сахифаларидан маълумот олиши киради. Бундай маълумотларни олиши учун мутахассислар учун маҳсус каталоглар, сахива ва маълумот изловчи дастур ва сахивалар ишлаб чиқилган. “Жадвал 4га қаранг”

Жадвал 4 даги веб сахифаларнинг ҳаммаси ҳам бепул маълумот олиши имкониятини бермайди. Албатта сифатли ва энг янги маълумот олиши учун ўша сахифаларда жойлашган сахифалардан керакли маълумот олиши имконияти мавжуд. Бу сахифалар ичida энг фойдалиси шубҳасиз миллий ва глобал фазовий маълумот инфраструктураси тизимида ишлаб чиқилиб геокутубхоналарга жойлаштирилган маълумотлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда турли ГАТ

дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва уибуну дастурни сотиб олганда дастур ишлаб чиқарувчи компания ўзининг маълумотлар базасига интернет орқали кириш учун рухсат беради. Бу маълумотлар базасида интернет орқали бепул топишнинг имконияти бўлмаган сифатли аеро ва космик суръатлар сақланади.

Демак географик маълумот олишининг яхши йўлларидан бири бу интернет ёрдамида маҳсус геокутубхоналар ва геопорталлардан маълумот излашидир.

Географик маълумот форматлари

Ташки манбаалардан олинган маълумотларнинг энг катта муаммоси бу уларнинг турли форматларда кодланишидир. Ҳозирги кунда бир қанча маълумот форматлари мавжуд бўлиб биргина форматнинг узи ГАТИ вазифаларини бажаришга қодир эмас. Оддийгина қилиб тушунтирадиган бўлсак турли соҳалар бўлгани учун уларга ҳам турлича ёндошув зарур бўлади ва барча соҳага тегишили ягона форматни лойиҳалаши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам турли фойдаланувчилар талабига мос ҳолда турли хил географик форматлар мавжуд. Маълумотлар базасини яратиш учун катта ҳаражатлар сарфланади шу боисдан ҳам ҳозирда тизимлар орасида ўзаро маълумот алмашинувига имкон берадиган қўрилма ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги пайтда ГАТ ида ишилаш осон бўлиши учун кўпгина дастурлар бевосита ДВГ, ДХФ, ДГН, Шапефиле, ВПФ ва бошқа форматларни ўқий олиш хусусиятига эга ва бу ишни анча осонлашитиради. Бу каби форматлар содда бўлгани учун бемалол бошқа дастурларда ҳам ўқилиши мумкин лекин бошқа мураккаб форматлар бўлмиши СДТС учун маҳсус қайта ишлов зарур бўлади, акс ҳолда уни ўқииш имконияти бўлмай қолади.

Ҳозирги пайтда ГАТИда турли географик маълумотларни стандартлашириши бўйича 25га яқин халқаро ташкилотлар ишламоқда. Глобал миқёсда географик маълумотларни стандартлаширишига ИСО (Халқаро Стандартлашириши ташкилоти) нинг 211- ва 287-техник бўлимлари жавобгардир. Эвропа бўйича СЕН (Европа стандартлашириши ташкилоти) жавобгар ҳисобланади. Географик маълумотнинг ишончли манбааси топилгандан сўнг кейинги вазифа албатта ГАТ маълумотлар базасига жойлашишидир. Агар манбаадаги маълумот ГАТ идаги дастурга мос форматда бўлса ёки ўша файлни ўқий олиш имкониятига эга бўлса унда бу тўғри вазифа ҳисобланади. Агар географик маълумот кўзланган ГАТИга мос бўлмаса унда ўша маълумот етказиб берувчидан форматни тўғирлаб бериши талаб этилади ёки форматни ўзгартириб берувчи маҳсус дастурлардан фойдаланишига тўғри келади. Маҳсус дастур ёрдамида бир форматдан иккинчи форматга ўтказишида дастурнинг синтактик ва семантик файл форматга ўтказишини ҳисобга олиш зарур. Синтактик ўтказиши деганда биз тизимлар орасидаги маҳсус рақамли рамзларни назарда тутсак, семантик ўтказишида географик ахборотнинг ўтказилиши зарур бўлган маъноларини назарда тутмамиз.

Уибуну бобга хулоса сифатида айтиши мумкинки ҳар қайси маълумот тўплаши лойиҳасида авваламбор сифат, тезлик ва нархнинг бир бирига боғликлиги катта аҳамият касб этади. Юқори сифатли маълумотни олиш қанчалик тез бўлса унинг нархи ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Агар маълумот тўплашга кетадиган ҳаражат камроқ бўлса ўз навбатида жараён ҳам узоқ муддатни олиши мумкин. Шу сабабли бу уч критерия ўртасида ўзаро мувозанатни аниқлаши зарур бўлади. ГАТ ида маълумот тўплаш лойиҳалари интенсив (қисқа муддатда) ёки узоқ муддатда

амалга оширилиши мумкин. Лойиҳа менеджерлари бу борада босқичли ёки тезда бўладиган стратегияни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қиласидар. Босқичли маълумот тўплашда лойиҳа бир неча кичик лойиҳаларга бўлинади. Бундай усулда лойиҳаларга кетадиган йиллик ҳаражат ва ресурслар кам қийматни ташкил қиласиди. Бундай усулни асосан ишини энди бошлиган кичик маълумот тўпловчи ташкилотлар бажаради ва улар шу билан бирга ҳам тажриба ҳам иши бажарадилар. Узоқ муддатли лойиҳаларнинг камчилик тарафи унда ҳар хил турдаги таваккал (риск) ишлар юзага келиши мумкин. Бу иккала турдаги маълумот олиши усулида экспериментал лойиҳалар амалга оширилади. Экспериментал лойиҳаларни амалга оширишдан мақсад бу келгуси иши жараёнида, маълумотлар базасини лойиҳалашибда, ходимлар ва қурилмалар танлашда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашибдан иборатдир. Лойиҳа менеджерлари кейинчлик экспериментал лойиҳада юзага келган муаммоларни бартараф қилиб келгуси ишининг ривожланиши учун замин яратиши керак.²

Мавзуга оид саволлар

1. Маълумот тўплашнинг энг муҳим иккита усули нимадан иборат?
2. Маълумот тўплашда географик маълумотларнинг синфланиши қай тарзда утказилади?
3. Маълумот тўплаш босқичлари неча турга бўлинади ва улар тўғрисида маълумот беринг?
4. Маълумот олишнинг қандай турлари мавжуд?
5. Масофадан зондлаш нима?
6. Стереотасвир қандай хосил бўлади?
7. Растр маълумот манбаи то`г`рисида тушунча беринг.
8. Вектор маълумот манбаи ҳақида тушунча беринг.
9. GPS орқали қандай турдаги маълумот олинади ва қисқача маълумот тўплаш жараёни ҳақида тушунча беринг.
10. Ташқи манбаалар орқали маълумот олиш қандай амалга оширилади?
11. Интернет орқали ГАТ учун қандай турдаги маълумот олинади?
12. Маълумот форматларининг турли бўлиши нима учун зарур?

Тест саволлари

1. **Маълумотларни тўплаш асосий растр кўринишдаги усулларини кўрсатинг?**
 - а. Сунъий юлдошлар ва масофадан туриб зондлашдан олинган рақамли тасвиirlар
 - Рақамли аэрофотосуръатлар;
 - б GPS ўлчовлари, Съемка ўлчовлар
 - с. Сканерланган карта ёки суръатлар, Рақамли рельеф моделлари (DEM) топографик карта контурлари;
 - д. Съемка ўлчовлар, Сканерланган карта ёки суръатлар
 - е. Топографик карталар, жой номлари, маълумотлар базаси.
2. **Маълумотларни тўплаш асосий вектор кўринишдаги усулларини кўрсатинг?**
 - а. GPS ўлчовлари, Съемка ўлчовлар. Рақамли аэрофотосуръатлар;

² Paul Longley et al. Geographic Information Systems and Science.-UK 2 nd Edition "John wiley& Sons Ltd., 2005. 209-214 p.

б Сунъий юлдошлар ва масофадан туриб зондлашдан олинган рақамли тасвиirlар

- с. Сканерланган карта ёки суръатлар;
- д. Рақамли рельеф моделлари (DEM) топографик карта контурлари;
- е. Топографик карталар, жой номлари, маълумотлар базаси.

3. Маълумотларни тўплаш ёрдамчи вектор кўринишдаги усулларини кўрсатинг?

а. Топографик карталар, жой номлари, маълумотлар базаси
Рақамли аэрофотосуръатлар;

б Сунъий юлдошлар ва масофадан туриб зондлашдан олинган рақамли тасвиirlар

- с. Сканерланган карта ёки суръатлар;
- д. Рақамли рельеф моделлари (DEM) топографик карта контурлари;
- е. GPS ўлчовлари, Съемка ўлчовлар.

4. Маълумотларни тўплаш ёрдамчи растр кўринишдаги усулларини кўрсатинг?

а. Сунъий йўлдошлар ва масофадан туриб зондлашдан олинган рақамли тасвиirlар

б Сканерланган карта ёки суръатлар, Рақамли рельеф моделлари (DEM) топографик карта контурлари;

- с. Топографик карталар, жой номлари, маълумотлар базаси;
- д. Рақамли аэрофотосуръатлар
- е. GPS ўлчовлари, Съемка ўлчовлар.

5. ГАТ ининг бошлангич ўрнатиш босқичларини кўрсатинг

- а. 1.Йиғиш; 2. тахлил; 3. Амалга ошириш;
- б 1.Аниқлаштириш; 2.таксилил; 3. Амалга ошириш;
- с. 1.режалаштириш; 2. тахлил; 3. Амалга ошириш;
- д. 1. Амалга ошириш; 2. тахлил; 3. Йиғиш;
- е. 1.Хулоса 2. тахлил; 3. Бошқариш ошириш;.

6. ГАТнинг кўлланилиш соҳалари

а.соғликни сақлашда;

б. ўрмончилик;

с. давлат фондидағи ерларни тўғри ва оқилона ҳисоблашда, ерларнинг ҳолатини аниқлашда;

д.саёҳатчилар учун ўзларига мақбул мемонхона, айланиш жойлари ва албатта тўғри йўналиш топишда;

е. соғликни сақлашда, ўрмончилик, давлат фондидағи ерларни тўғри ва оқилона ҳисоблашда, ерларнинг ҳолатини аниқлашда, саёҳатчилар учун ўзларига мақбул мемонхона, айланиш жойлари ва албатта тўғри йўналиш топишда

7. Атрибут маълумотлар неча турда бўлади

- а. 10;
- б. 6;
- с. 8;
- д. 5
- е. 1

- 8. GPS да олинган координата маълумотлари вақт ўтиши билан ўзгарадими?**
- a. ўзгариши мумкин;
 - b тўғри жавоб йўқ ;
 - c. ўзгариб эскириши мумкин;
 - d. Маълумотлар умуман ўзгармайди;
 - e. аниқланмаган.
- 9. Тупроқшуносликда ГАТ технологияларни ўрганишнинг имкониятлари нималардан иборат?**
- а. Ўрганилаётган объектдаги тупроқларнинг техноген бузилганлиги тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;
 - б. Ўрганилаётган объектдаги тупроқларнинг шўрланиш даражаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;
 - с. Ўрганилаётган объектдаги тупроқларнинг эрозияланиш даражаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;
 - д. Ўрганилаётган объектдаги тупроқ типларининг тупроқ хоссалари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;
 - е. Ўрганилаётган объектдаги тупроқларнинг деградация жараёнларини ўрганиш.
- 10. Тупроқшуносликда ананавий усулдан фарқли ГАТ технологияларни қўллаган ҳолда харита тузишнинг афзалликлари нимадан иборат?**
- а. Ишчи кучининг тежалиши, кам харажат;
 - б. Аниқ маълумот, қиммат технология;
 - с. Кам харажат, аниқ маълумот;
 - д. Қисқа вақт, кам харажат, аниқ маълумот;
 - е. Замонавий технология, қисқа вақт.

Глоссарий:

Фотограмметрия - бу қисқача қилиб айтадиган бўлсак тасвирлар, аерофотосуръатлар орқали ўлчовларни амалга ошириладиган фандир.

Аерофотосъемка - шаҳар ва археологик жойларнинг батафсил съемкаси ва карталашини амалга оширишда ва шу асносида жойнинг 3 ўлчамли тасвирини хосил қиласди.

GPS-Географик позициялаш системаси.

Масофадан зондлаш - бу обектнинг физик, кимёвий ва биологик хоссаларини бевосита масофадан туриб ўлчашдир.